

Сийрат 177-дарс. Аллоҳ иймонингизни зое қилмас



18:30 / 18.03.2022 4429

689. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтул-Мақдис томонга қараб намоз ўқир эдилар. Шунда **«Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез бурилганини кўрурмиз. Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қиблага қаратурмиз. Юзингни Масжидул-Ҳаром томон бур»** (ояти) нозил бўлди. Сўнг Бану Саламадан бир киши ўтиб қолди. Улар бомдод намозида рукуъда туришар, бир ракатни ўқиб бўлишган эди. Шунда у: «Огоҳ бўлинглар! Қибла ўзгарди», деди. Шунда улар турган ҳолларида қиблага бурилишди».

Муслим ривоят қилган.

690. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбага юзланганларида «Эй Аллоҳнинг Расули! Байтул-Мақдисга қараб намоз ўқиб вафот этиб кетганларнинг ҳоли нима бўлади?» дейишди. Шунда Аллоҳ таоло: **«Аллоҳ иймонингизни зое қилмас»**(ояти)ни нозил қилди».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

691. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эр аёлини талоқ қилса, иддаси чиқишидан олдин уни қайтариб олиши мумкин эди. Агар уни минг марта талоқ қилса ҳам. Бир киши хотинини талоқ қилди. Аёлнинг иддаси чиқишига яқин қолганда қайтариб олди. Яна талоқ қилди. Сўнгра унга: «Аллоҳга қасамки, сени ўзимга ҳам олмайман, бошқага ҳам ҳалол бўлмайсан», деди. Шунда Аллоҳ таоло: «Талоқ икки мартадир. Сўнгра яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юбориш»(ояти)ни нозил қилди. Ўша кундан бошлаб одамларнинг талоқ қилгани ҳам, қилмагани ҳам талоқни янгитдан қарши олишди».

Молик ва Термизий ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан